# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ
# (ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА)
# № Б-53

«05» 05 2022 йил Термиз шахри.

**"Буюртмачи"** деб юритилувчи **"Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати"** Давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А. Бокиев** бир томондан ва кейинги ўринларда **«Иш бажарувчи»** деб юритиладиган Сурхондарё вилоят Термиз шахри **"TERMIZ LOYIHA SERVIS"** МЧЖ низом асосида иш юритувчи директори **Б. Умаров** иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-172-сонли "Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастурларини амалга оширишчора-тадбирлари тугрисида"ги карорига асосан ***Бойсун тумани Тўда МФЙ Қултой кўчасини жорий таъмирлаш (Асфальт қоплама қуриш)*** ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш иш хажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

| № | Иш (хизмат)лар номи | Улчов бирлиги | Мик-дори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ***Бойсун тумани Тўда МФЙ Қултой кўчасини жорий таъмирлаш (Асфальт қоплама қуриш)*** ишчи лойиҳасини ишлаб чикиш | дона | 1 | 12 300 000 | 12 300 000 |
| | **Жами** | | | 12 300 000 | 12 300 000 |

## 2.Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

**2.2 Шартнома умумий суммаси 12 300 000 (Ўн икки миллион уч юз минг) сўмни ташкил қилади.**

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор килиб, ўзгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида кўшимча тўловларни шартномага кўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

2.5. Мазкур шартноманинг **12 300 000 (Ўн икки миллион уч юз минг)** сўмини белгиланган тартибларга асосан молиялаштиришга келишилди.

Шартнома нархи **12 300 000 (Ўн икки миллион уч юз минг)** сўмнинг 30%ини, яъни **3 690 000 (Уч миллион олти юз тўқсон минг)** сўмини олдиндан тўлов тарзида тўланиши тўғрисида келишилди.

Шартноманинг умумий суммасидан колган **8 610 000 (Саккиз миллион олти юз ўн минг)** сўмини бажарилган иш хисобига жорий молиялаштиришга келишилди.

## 3. Тўлов шартлари

3.1 Бажариладиган иш ҳажмини тўлик қийматининг 30%и микдорда 10 банк кунида «Иш бажарувчи»нинг хисоб ракамига олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Тўлик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (хисоб фактура) асосида 10 банк кунида колган 70% тўлов «Иш бажарувчи»нинг хисоб ракамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган такдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш хажмини бажармасликга хакли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, акт далалатномаси, хисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган холда амалга оширилади.

## 4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг хисоб ракамига ўтказилгандан сўнг қурилиш давомида шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш ҳажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли карори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тўлик бажарилган хисобланади.

## 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 « Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тулов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

• «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

• Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечиради ва унинг сифатига яроклилигига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» кабул килмасликка ва сифатсиз бажарилган иш кисмини қайтадан тўлик, сифатли, бажариб беришини талаб килишга хакли бўлади.

• Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тўлик кабул килиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган сумманинг колган кисмини тўлик ўтказиб бериши шарт.

### 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси тўғрисида»ги қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш хажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Шартномада кўрсатилган иш хажмлари «Иш бажарувчи»нинг хатоси билан содир килинганда "Бажарувчи" ушбу хато ва камчиликларни ўз ҳисобидан "Буюртмачи"нинг иштирокисиз хал қилинади. Яъни ўз ҳисобидан ишни бажаради.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

### 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар огохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди орқали хал қилинади.

### 8. Қўшимчалар

8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши хам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.3.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

### 9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий холатлар, сув тошкини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошка табиий офатлар сабабли бажарилмаса, хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31»декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, икки томон учун хам тенг кучга эга ва банк хисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

### 11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома бахосини келишув баённомаси (1-илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

| «Буюртмачи» | «Иш бажарувчи» |
|---|---|
| "Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси | «TERMIZ LOYIHA SERVIS» МЧЖ |
| МАНЗИЛ: Термиз шаҳар Олмазор кўчаси-42 уй | Термиз шахри Т.Сайдалиев кучаси,1-уй. |
| Ш.Х.В 304521860222047045129118007. | Тел: 0 376 221 18 97 |
| Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи | Х/р 2020 8000 7003 9254 9001 |
| 304985647 ОКОНХ 70220 | АТ "Туронбанк" Сурхондарё филиали |
| ЎзРесп.Молия вазирлиги Ғазначилиги | ИНН: 303 053 160 МФО: 00328 |
| ИНН: 201122919 Б\К: 00014 | ОКОНХ: 66000 |
| Тошкент шахар Марказий банки ҲККМ | |
| х/р: 23402000300100001010 | |
| Директор ________ А. Боқиев | Директор ________ Б.Умаров |
| (имзо) | (имзо) |

Юрист ____________

«05» 05 2022 йил

2022 йил «_____» _______________даги
_______–сонли шартномага 1 - илова

**Шартнома баҳосини келишуви**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз, куйида имзо қўювчилар: ***Бойсун тумани Тўда МФЙ Қултой кўчасини жорий таъмирлаш (Асфальт қоплама қуриш)*** ишчи лойиҳасини ишлаб чикиш бўйича 2022 йил “___” __________ даги ______-сонли шартнома баҳосини **12 300 000 (Ўн икки миллион уч юз минг)** сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб –китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

**«Буюртмачи»**
**“Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси**
**МАНЗИЛ: Термиз шаҳар Олмазор кўчаси-42 уй**

**Ш.Х.В 304521860222047045129118007.**
**Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи**
**304985647 ОКОНХ 70220**

**ЎзРесп.Молия вазирлиги Ғазначилиги**
**ИНН: 201122919 Б\К: 00014**
**Тошкент шаҳар Марказий банки ҲККМ**
**х/р: 23402000300100001010**

**Директор _____________ А. Бокиев**
**(имзо)**

**«Иш бажарувчи»**
**«TERMIZ LOYIHA SERVIS» МЧЖ**

**Термиз шахри Т.Сайдалиев кучаси.1-уй.**
**Тел: 0 376 221 18 97**
**Х/р 2020 8000 7003 9254 9001**
**АТ “Туронбанк” Сурхондарё филиали**
**ИНН: 303 053 160 МФО: 00328**
**ОКОНХ: 66000**

**Директор _____________ Б.Умаров**
**(имзо)**

2022 йил “___”_____________даги
_______ – сонли шартномага 2 - илова

***Бойсун тумани Тўда МФЙ Қултой кўчасини жорий таъмирлаш (Асфальт қоплама қуриш)*** ишчи лойиҳасини ишлаб чиқишни
БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

**минг сўм**

| **№** | **Бажариладиган ишларнинг номи** | **Қиймати** | **Бажариш** | | **Молиялаштириш муддати** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **муддати** | **қиймати** | **2022 йил** | **2022 йил** | **2022 йил** |
| | Аванс тўлови | | | | 3 690,0 | | |
| 1 | Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш | 12 300,0 | 10 кун | 12 300,0 | | 8 610,0 | |
| | **Жами:** | **12 300,0** | | **12 300,0** | **3 690,0** | **8 610,0** | |

Буюртмачи: ____________

Бажарувчи: ____________

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 68778 на приобретение Бойсун тумани Тўда МФЙ Култой кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама куриш) ЛСХни тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 29.04.2022

Время рассмотрения 25.04.2022 22:59

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo`llarga buyurtmachi xizmati DUK (Boysun) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH | Бош мухандис | Сурхондарё МЙБХ |
| **Секретарь комиссии** | RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH | Булим бошлиги | Сурхондарё МЙБХ |
| **Член комиссии** | TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH | Бош мутахассис | Сурхондарё МЙБХ |
| **Член комиссии** | ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O`G`LI | Булим бошлиқ | Сурхондарё МЙБХ |
| **Член комиссии** | ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH | Комиссия аъзоси | Сурхондарё минтакавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК |
| **Член комиссии** | MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O`G`LI | Бош мутахассис | Сурхондарё МЙБХ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.04.2022 года № лота 68778.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
| Подробное описание | Бойсун тумани Тўда МФЙ Култой кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама куриш) ЛСХни тайёрлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 12 383 000.00 |
| Стартовая сумма | 12 383 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1  Лойихалаш корхонасида ишлаётган ишчилар тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Соха бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар рахбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика хисоботига асосан ва шартнома асосида

жалб этилган)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| OOO TRANSPORT YO`L LOYIHA | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувохнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгалиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартомалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар руйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўгрсида кафолат хати Лойихалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| OOO TRANSPORT YO`L LOYIHA | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффициент, ижарада бўлса 0,5 коэффициент билан бахоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| OOO TRANSPORT YO`L LOYIHA | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида, қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот, лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **ООО TRANSPORT YO`L LOYIHA** | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ** | 12 383 000.00 | 12 300 000.00 | 23.04.2022 12:40:35 | 20.00 |
| **ООО TRANSPORT YO`L LOYIHA** | 12 383 000.00 | 12 383 000.00 | 23.04.2022 15:01:45 | 19.87 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ** | 80 | 20 | 100 |
| **ООО TRANSPORT YO`L LOYIHA** | 64.8 | 19.87 | 84.67 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 68778 от 29.04.2022 года на приобретение Бойсун тумани Тўда МФЙ Култой кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама куриш) ЛСХни тайёрлаш определила победителем:

TERMIZ LOYIHA SERVIS MCHJ
308053160

и резервный исполнитель: ООО TRANSPORT YO`L LOYIHA (307961825)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП